

Талаба Қуръонни 11 соатда хатм қилди



18:35 / 26 январь 872

Жорий йилнинг 24 январ куни «Саййид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом билим юртининг иккинчи босқич, 92-гуруҳ талабаси Муҳаммадризо қори Усмонов таълим муассасаси раҳбарияти ҳамда «Қироат ва тажвид» фани устозлари ҳузурида ўн бир соат давомида Қуръони Каримни тўлиқ ёддан ўқиб берди.

Жараён давомида «Қироат ва тажвид» фани устозлари Муҳаммадризо қорининг тиловати ва ёд олиш сифатини синчиклаб текшириб боришди.

Шунингдек, ушбу муборак жараёнда Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръони карим ва тажвид» бўлими ходими Абдуллоҳ қори Файзуллоҳ маҳдум ўғли ҳам қатнашди.

Хатми Қуръон сўнгида Муҳаммадризо қорига эсдалик совғалар топширилди. Қорини вояга етказган ота-онаси ва устозларига муассаса номидан ташаккурномалар тақдим этилди!

"Саййид Муҳйиддин маҳдум" ўрта махсус ислом билим юрти